Ушбу сонда:
2-3 2005 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР
4 Газетхон мулоҳазаси МИЛЛИЙ ЧОЙХОНАЛАРИМИЗНИ ҚЎМСАБ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 21 январ, жума № 12 (1853)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТУРСУНОЙ ЯНА МАКТАБГА ҚАЙТДИ

Кўз касалликлари шифокори Тўлеген Урганчбоевнинг саъй-ҳаракати билан Элликқалъа туманидаги 61-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Турсуной Саъдуллаева яна қадрдон мактабига қайтди.

Турсунойнинг дарсларда ҳеч нарса ёзмай, қимтинибгина ўтириши синф раҳбарини сергак торттирди. Маълум бўлишича, қизча доскадаги ёзувларни кўролмайдиган бўлиб қолган экан.

Уни «Жавҳар» хусусий тиббиёт марказига олиб келишди. Вазиятни англаган шифокорлар дарров ёрдамга шошилди. Ўн кун деганда Турсунойнинг кўзларига қайта нур энди.

Бу тиббий марказ шифокорларининг кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мунтазам кўрсатиб келаётган ёрдамига бир мисол холос. Яқинда улар Турсуной ўқиётган мактабнинг 600 нафардан зиёд ўқувчисини бепул тиббий кўрикдан ўтказди.

**(ЎзА)**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ийд Ал-Адҳо муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон фуқароларини Америка халқи номидан самимий муборакбод этаман. Мамлакатларимиз мусулмонлари ушбу байрамни нишонлаётган экан, бу бизга халқларимиз учун муштарак анъаналарнинг муҳимлигини, бехатар дунёвий жамият ва эркинликни эслатиб туради.

Қўшма Штатлар терроргa қарши жаҳон миқёсидаги урушда Сиз кўрсатаётган қатъий мададни юксак қадрлайди ва мамлакатингизда замонавий сиёсий ҳамда иқтисодий институтлар барпо этишда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдир.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи ва ислом умматига доимий тараққиёт ҳамда фаровонлик ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан,

**Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Яратган Аллоҳдан бундай саодатли онларни Сизга сиҳат-саломатлик, шоду-хуррамликда, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонликда такрор ва такрор насиб этишини тилаб қоламан.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин,

**Башшор ал-АСАД,**
**Сурия Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва ўз номимдан Сизга самимий қутловларимни йўллайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва юксалиш тилайман.

**Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,**
**Иордания Подшоҳи**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Афғонистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу муқаддас байрам шарофати ила Худованди карим жаҳоннинг барча мусулмонларига тинчлик ва осойишталик ато этишига умид билдираман.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

Менинг қизғин саломларим ва эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

**Ҳомед КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни самимий табриклайман ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ишонаманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

**Умар Ҳасан ал-БАШИР,**
**Судан Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Қурбон ҳайити муносабати билан юборган табригингиз учун Сиз Жаноби Олийларига самимий миннатдорлигимни изҳор этиб, Сизга ўзимнинг энг самимий ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Ҳожи Ҳассанал БОЛКИЯҲ,**
**Бруней Султони**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ислом аҳли Ийд ал-Адҳони нишонлаётган ушбу онларда Мальдив ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига қизғин табрик ва самимий тилакларимни йўллайман.

Яратган Аллоҳ Ер юзидаги барча мусулмонларга бардавом тараққиёт ва юксалиш, Сизга соғлиқ ва бахт, юртингизнинг биродар халқига тинчлик, осойишталик ва қут-барака ато этсин.

**Маъмун Абдул ҚАЮМ,**
**Мальдив Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан ўзимнинг энг эзгу табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Қодир Аллоҳ Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омад, юртингизнинг биродар халқига равнақ ва фаровонлик ила бундай саодатли онларни такрор насиб этади, деб умид билдираман.

Аллоҳ таоло Сизнинг Ўзбекистон халқи ва мусулмон уммати тараққиёти йўлидаги олижаноб саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ато этсин.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

*Шунингдек, Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин миллий мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос, Кувайт Давлати Валиаҳди Саад Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Араб Давлатлари Уюшмаси Бош котиби Амр Муса, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Ингушетия Президенти Мурат Зязиков ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!*

*Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!*

*Сизни, гўзал, бетакрор Ватанимизнинг барча фуқароларини улуғ айём - Қурбон ҳайити муносабати билан муборак ибодатни чин ихлос, имон-эътиқод ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан қутлашга ижозат бергайсиз.*

*Биз, ўзбекистонлик ҳожилар она юртимизнинг келажаги буюк ва порлоқ, халқимиз ҳаёти янада фаровон, Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган барча хайрли ишлар бардавом ва баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан илтижо ила сўраб дуода бўлмоқдамиз.*

*Айни кунда, мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, хусусан, республикамиздан ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган шароитлар Сизнинг олижаноб сиёсатингиз натижаси эканини янада теранроқ идрок этмоқдамиз.*

*Анъанага мувофиқ 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши халқимиз, айниқса, ёшларда руҳий-маънавий ва жисмоний поклик каби фазилатларни янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратади. Бу каби оқилона тадбирлар, албатта, бизларни истиқлолимиз бардавомлигини мустаҳкамлашда янги зафарлар сари руҳлантиради.*

*Ушбу баракотли онларда Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, она Ватан тараққиёти, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда Ўзи мададкор бўлишини Яратгандан сўраб дуо қилиб қоламиз.*

**Ўзбекистон ҳожилари.**
Маккаи мукаррама

***Улуғобод қишлоғида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Рауф Рўзибоев ўз уйида бешта иш ўрни ташкил этди.***

*У «Тадбиркорбанк» республика акционерлик-тижорат банкининг Сирдарё вилояти бўлимидан 680 минг сўм кредит олди. Бу пулга ширин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқариш учун ускуналар ва хомашё сотиб олди. Ишни яхши йўлга қўйгани учун улгуржи харидорлар ҳам орттирди.*

### УЛУҒОБОД ҚИШЛОҒИДА ТАЙЁРЛАНГАН

*- Бизда хусусий тадбиркорлик билан муваффақиятли шуғулланаётганлар оз эмас,- дейди Улуғобод қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Қаюмжон Аданов. - Раъно Азимбоева ўз уйида тикувчилик цехи ташкил этди. Шогирди Ўлмасой Исанова билан бирга болалар ва аёллар кийимларини тикиб сотмоқда. Анвар Саидқулов тегирмон очди, унинг қўшниси Анатолий Кан эса нафақат қишлоқ аҳлини, балки шаҳарликларни ҳам ўз инкубаторида очилган жўжалар билан таъминламоқда.*

*Гулистон шаҳри деҳқон бозорида тухум ва товуқ гўшти сотиладиган махсус бўлим бор. Бу ердаги ҳар иккинчи сотувчи Улуғобод қишлоғи маҳсулотини сотади.*

**(ЎзА)**

### ЯНГИ ТИББИЙ МУАССАСА

Қоракўл туманидаги Галабек қишлоғида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Қурилиш-монтаж ишларига эллик миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Янги тиббиёт маскани қишлоқдаги икки минг нафарга яқин қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатади. Бу ерда беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва даволаш учун етарлича шароит мавжуд.

### ХАТИРЧИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖИ

Хатирчи туманидаги Агросервис касб-ҳунар коллежи Япония халқаро ҳамкорлик банки - JBIСнинг «Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» кредит лойиҳасига киритилган. Мазкур банк томонидан ажратилган 652 миллион сўмлик кредит ҳисобидан коллеж синфхоналари сўнгги русумдаги компьютер ва мебел билан таъминланди. Лингофон хоналари, устахона ва ўқув-тажриба хўжалиги ҳам зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Мазкур билим даргоҳида тадбиркорлик, фермер хўжалиги, иқтисодиёт, механизация ва қурилиш каби йўналишлар бўйича беш юздан зиёд йигит-қиз таълим олаётир. Уларнинг пухта билим олиши, ҳунар ўрганиши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

## СЕНАТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

***Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг юқори палатаси - Сенат аъзоларининг сайлови ниҳоясига етди. 20 январ куни Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.***

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда Сенатга бўлиб ўтган илк сайлов юксак савияда ташкил этилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сафларидан олий давлат вакиллик қонун чиқарувчи органи - Олий Мажлисда тегишли ҳудуд манфаатларини муносиб намоён этишга лаёқатли вакилларни сенатор этиб сайладилар.

Халқимизнинг икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга қаратилган ушбу улкан ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**(ЎзА)**

## СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

***Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти Марказий Осиёда шу соҳа бўйича ягона ўқув маскани саналади. Ҳозирда билим юрти ташкил топганининг ўн йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу давр ичида билим юртини 700 дан ортиқ битирувчилар тамомлаб, мамлакатимиз қуролли кучлари сафида, ватанимиз осмони мусаффолиги йўлида хизмат қилишаяпти.***

Билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, подполковник Абдуғани Ҳамидов таъкидлаганидек, учиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўтюрак ёшлар бу ерда ўқишаяпти.

13 та кафедра, 2 та компьютер синфхоналари, лингофон хонаси, 2 та кутубхона, ошхона, спорт заллари тингловчилар ихтиёрида.

Олий ҳарбий билим юрти касаба уюшма қўмитаси раиси Людмила Шокирова ҳамроҳлигида жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ишлари билан танишдик.

- Ёшларнинг соғлом, бақувват, баркамол бўлиб ўсишлари йўлида 11 та спорт секцияси ишлаб турибди, - дейди кафедра бошлиғи, майор Ҳамза Ғойипов. - Бу секцияларда ҳафтасига уч марта машғулот ўтказилмоқда. Капитан Н. Азимов, майор Н. Қаршиев, кичик сержант Ш. Эшонқулов каби мураббийлар ўз билим ва маҳоратларини ёшларга ўргатиб келишмоқда.

Волейбол, бокс, мини-футбол, гимнастика заллари зарур жиҳозлар билан таъминланганы шуғулланувчиларга қулайлик яратмоқда. Умидли ёш спортчилар кўзга кўриниб қолди. Тош кўтариш бўйича А. Аҳмедов, кураш бўйича А. Жўраев, Д. Ўсаров, бешкураш бўйича Э. Матжоновлар спорт усталигига номзод бўлишди. Билим юрти жамоалари мамлакат миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келишаяпти.

- Сиҳат-саломатлик йилида ҳарбий билим юртида спортга бўлган эътибор янада ортиб бормоқда, - дейди касабақўм раиси Л. Шокирова. - Бу ёшлар саломатлиги янада мустаҳкам бўлишининг энг яхши кафолатидир.

**А. АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Гулчеҳра Пиримқуловани Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўпчилик яхши танийди. Қарши шаҳрининг «Қарлуқбоғот» маҳалласида яшовчи Гулчеҳра опа қарийб 50 йилдан буён зардўзлик билан шуғулланади. Онаси ўргатган бу касб орқали халқ орасида обрў топди.

Гулчеҳра опа ўзига хос зардўзлик мактабини яратиб, юзлаб шогирдлар етиштирди. Айни пайтда улар вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида мустақил фаолият олиб бормоқда.

***Суратда: зардўз Гулчеҳра Пиримқулова.***

**Ш.ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## *Касаба уюшмалари фаолиятидан*

***Инсон кўнгли – гулдек нозик. У ўйланмай айтилган бир оғиз сўз ёки номақбул хатти-ҳаракат натижасида чилпарчин бўлиши турган гап. Аксинча, билдирилган самимий ҳамдардлик, кўрсатилган беғараз кўмак инсон кўнглини тоғ қадар юксалтиради. Бошқача қилиб айтганда, меҳр-мурувват, саховатга йўғрилган бир оғиз ширин сўз билан инсон ёлғиз эмаслигини ҳис қилади, эртанги кунига – истиқболга ишончи ортади. Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган, оширилаётган меҳр-мурувват йўналишидаги кўламдор ишлар айни ана шу жиҳати билан ҳам улкан аҳамият, қиммат касб этади.***

# II. БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...

Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини собитлик, зўр қатъият билан муҳофаза қилишда энг муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтган йили жамоа шартномаларига кўплаб қўшимча бандлар киритилди ҳамда уларнинг бажарилиши тўлиқ назоратга олинди. Вилоят тармоқ вакилликлари, бошланғич ташкилот етакчилари ташаббускорлик, қатъиятлилик, талабчанлик кўрсатишгани боис томонлар мажбуриятларининг бажарилишида бирмунча муваффақиятларга эришилди.

Бунинг самараси ўлароқ, 2004 йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 820 мингдан ортиқ кишига меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Бунинг учун жами 13 миллиард 201 миллион 933 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Жумладан, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар ҳамда Чернобил ҳалокатида нурланиш касаллигига чалинган 512 минг нафардан ортиқ киши беминнат тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлди. Уларнинг саломатликларини тиклаш, дори-дармон харажатларини қоплаш учун 5 миллиард 406 миллион 97 минг сўм ажратилди. Хусусан, пойтахтимиздаги ўнлаб корхона ва ташкилотлар томонидан жамоа шартномалари бандларида кўзда тутилган меҳр-саховат йўналишидаги қатор тадбирлар зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Бунинг учун 672 миллион 975 минг сўм сарфланди.

Ўтган йили жамоа шартномаларидан фахрий ишчилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий кўмак бериш ҳам мустаҳкам ўрин олди. Бунинг натижасида 43 минг 904 нафар ишламайдиган пенсионерларга бир вақтлар улар меҳнат қилган корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан турли байрамларда моддий ёрдам кўрсатилди. Бунда маъмуриятлар ҳисобидан 423 миллион 799 минг сўм, касаба уюшма қўмиталари ҳисобидан 44 миллион 630 минг сўм харажат қилинди. Масалан, агросаноат мажмуи касаба уюшмалари тизимидаги хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар ҳимматидан 14 минг 254 нафар киши баҳраманд бўлди. Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вакиллари ҳам бу муҳим ишга катта масъулият билан ёндошдилар. Хайрли тадбирларни амалга ошириш мақсадида 7,2 миллион сўм маблағ сарфланганы буни яққол кўрсатиб турибди.

Болаларимиз – бизнинг келажагимиз. Ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандлари руҳан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари, танлаган соҳаларининг барча сир-асрорларини пухта эгаллашлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Ўнлаб иқтидорли ёшлар касаба уюшмалари стипендиялари билан тақдирланиб, моддий-маънавий рағбатлантирилмоқда. Ўтган йил мобайнида боқувчисини йўқотган оилаларнинг салкам 305 минг нафар фарзанди 3 миллиард 707 миллион 542 минг сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар ва кийим-кечаклар билан бепул таъминланди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ёрдамга муҳтож талабалари контракт пулларини тўлаш учун 374 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди. Албатта, бунда касаба уюшмаларининг ташаббускорлик салоҳияти муҳим рол ўйнади.

**Асқарали СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири,**
**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

# 2005 ЙИЛ УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

Жамоа шартномалари касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади ва ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)[1] ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг тенг сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

- жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб/чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;
- музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;
- жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Охирги беш йилда жамоа-шартномавий муносабатлар ривожланиши динамикаси таҳлилидан ушбу даврда иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларининг чуқурлашуви жамоа музокараларининг анъанавий андозалари самарадорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатганини кузатиш мумкин. Ўтган даврда қуйидаги макроиқтисодий омилларнинг жамоа музокараларига таъсири айниқса кучли бўлди:

- хусусийлаштириш натижасида иқтисодиётда хусусий мулк улушининг кўпайиши, рақобат муҳитининг янада ривожлантирилиши;
- фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ва кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиши;
- давлатнинг пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар, иш ҳақига йўналтириладиган маблағларни давлат томонидан тартибга солишнинг бекор қилиниши, нақд пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини камайтириш борасида кўрилган қатъий чоралар, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясини жорий этиш;
- солиқ юкламасини камайтириш ҳамда барча мулк шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадида солиқ ва молия қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши;
- аграр соҳада юз берган ўзгаришлар, пахта хомашёсининг харид нархларини шакллантиришнинг янги принциплари жорий этилиши, давлат буюртмаси бўйича етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши камайтирилиши, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши.

Натижада касаба уюшмаларидан ўзгариб бораётган иқтисодий муносабатларга мослашиш учун иш услубиётини такомиллаштириш талаб этилади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III – Қурултойи қарорларига биноан касаба уюшмалари органлари томонидан охирги беш йилда жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилди ва маълум ижобий силжишларга эришилди.

1. Жамоа-шартномавий муносабатлар механизмини такомиллаштирилиши жойларда имзоланаётган жамоа шартномаларининг сони деярли 3 баравар: яъни 27286тадан (2000 йил) 89071тагача (2003 йил) ошишига олиб келди. Эътиборли томони шундаки, агар 2000 йилда жами жамоа шартномаларининг 49 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида (жамоа, хусусий, қўшма корхоналар ва нодавлат нотижорат ташкилотларида) тузилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 86 фоизгача кўтарилди, шу жумладан, хусусий корхоналарнинг жамоа шартномалари улуши 14 фоиздан 77 фоизгача ошди. Жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган хусусий корхоналар ходимларининг сони 4 баравар кўпайди. Бундай ҳол касаба уюшма аъзоларининг фаоллиги юксалганини, шунингдек касаба уюшмалари ҳуқуқларига ҳурмат ортиб бораётганлигини кўрсатади.

2. Жамоа шартномаларининг мазмуни қонунчилик талабларига риоя қилиш нуқтаи-назаридан анча яхшиланди. Агар 2000 йилда аксарият жамоа шартномаларида ходимлар ҳуқуқ ва кафолатлари даражасини қонун ҳужжатларига нисбатан пасайтириб юбораdиган меъёрлар аниқланган бўлса, 2004 йилда жамоа шартномаларида қонун бузилишлари жуда кам учради. Бу эса Федерация Кенгаши Раёсатининг ташаббуси билан жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш амалиёти жорий этилиши сабабли ушбу ҳужжатларнинг савияси анча кўтарилганидан далолатдир.

3. Жамоа шартномасини меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, касб муносабатларини нафақат тартибга солувчи, балки барқарорлаштирувчи меъёрий ҳужжат сифатида тан олиниши кенгайди. Шу боис, жамоа шартномасидан нафақат ходимларнинг, балки иш берувчиларнинг ҳам манфаатдорлиги кўтарилди. Бундай ёндашув шаклланишига касаба уюшмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

4. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик деярли таъминланди. Илгари қатор тармоқларда келишувлар умумий гаплар билан тўлдирилган бўлиб жамоа шартномалари мазмунига таъсир кўрсатмаган бўлса, охирги йилларда тармоқ келишувларининг аниқ меъёрлари аксарият жамоа шартномаларини тузишда энг кам мажбурий норматив сифатида қўлланилаяпти.

5. Жамоа шартномалари ходимнинг нафақат бевосита ва билвосита даромадларини, балки иш ҳақининг тариф (кафолатланган) қисмини кўтариш воситасига айланмоқда. 10 фоизга яқин корхоналарнинг жамоа шартномаларига энг кам иш ҳақини кўтариш талаби киритилган бўлиб, бу билан касаба уюшма аъзоларининг деярли 40 фоизининг манфаатлари ифода этилган. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2000 йилдаги 19319 сўмдан 2003 йилда 55781 сўмгача кўтарилди.

Ҳозирги вақтда жамоа шартномалари орқали ижтимоий ривожланиш, меҳнат шароитлари ва унинг муҳофазаси, иш ҳақи, иш билан таъминлаш, энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар тарзидаги қўшимча тўловлар, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, боқувчисини йўқотган, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ёш болали аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш амалга оширилмоқда.

Жамоа шартномалари воситасида республика бўйича ҳар йили қуйидаги асосий ўртача кўрсаткичларга эришилмоқда:

- 2 миллиондан ортиқ меҳнаткашларнинг йиллик асосий таътиллари узайтирилади,
- 900 мингга яқин ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ташқари қўшимча таътиллар берилади,
- иш берувчилар ҳисобидан 100 мингга яқин ходимлар ўқитилади, қайта ўқитилади ва касбий тайёргарликдан ўтади,
- корхона, ташкилот, муассасалар маблағи ҳисобидан 100 минг нафардан кўп ходимлар дам олади ва соғломлаштирилади,
- 94 мингга яқин иш жойлари меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилинади ва ҳоказо.

Шунингдек, 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча тармоқларда жамоа шартномалари орқали 820 мингдан ортиқ кишига жами 13,2 млрд сўмлик меҳр ва мурувват ёрдами кўрсатилди, шу жумладан:

- 500 мингдан зиёд ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, нурланиш касаллигига чалинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатилди, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатлар қопланди ва уларга моддий ёрдам берилди, бунга 5,4 млрд сўм сарфланди;
- кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 300 мингдан кўп фарзандлари ўқув қуроллари, дарсликлар ва мактаб формалари билан бепул таъминланди, бунга 3,7 млрд сўм сарфланди;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларининг 2 минг нафардан кўпроғига билим олиш учун тўланадиган контракт пули имтиёзли равишда ўрнатилди, бунга 370 млн сўмдан ортиқ маблағ сарфланди;
- 8966та кам таъминланган ва 1054та ёш оилалар вакиллари, 1996 нафар меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари, 953 нафар ногиронлар санатория-курортларда соғломлаштирилди, бунинг учун қарийб 560 млн сўм сарфланди;
- 4662 янги оила қурган ёшларга 113 млн сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди;
- ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди (10653 аёлга), бунинг учун 575 млн сўм сарфланди;
- фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарнинг 11139 нафарига 725 млн сўм миқдорида моддий ёрдам берилди;
- кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) 28890 аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди, бунга 107 млн сўм сарфланди;
- 1,5 минг нафар ёлғиз пенсионерларнинг уй жойлари таъмирланди, бунга 126 млн сўм сарфланди;
- 44 минг нафар ишламайдиган пенсионерларга ўзлари ишлаган корхона, ташкилотлар томонидан байрам саналарида жами 468 млн сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди;

Шу билан бир қаторда, объектив ва субъектив сабабларга кўра жамоа-шартномавий муносабатларда ташвишланарли ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Иқтисодиётда юз бераётган тузилмавий ўзгаришлар аҳоли бандлик структурасининг ўзгаришига ҳам олиб келди: бугунги кунда иқтисодий фаол аҳолининг деярли 30 фоизи жамоа шартномалари амал қилмайдиган норасмий бандлик секторида меҳнат қилмоқда. Меҳнат муносабатларини меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинмайдиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга (кўп ҳолларда асоссиз) ўзгартириш тенденцияси ҳам кучаймоқда. Натижада, жамоа шартномаларининг сони кўпайиб бораётган бир пайтда, улар билан меҳнаткашларни қамраб олиниши 2000 йилдаги 6,1 млн кишидан 2003 йилда 5,62 млн кишигача камайди.

Қатор корхоналарда жамоа шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар кўлами камаймоқда, бундай ҳол айниқса кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларига тааллуқлидир. Агар ёқилғи-энергетика мажмуи, қурилиш, авиация, алоқа тармоқларида ўрта статистик жамоа шартномасига 59тадан 94тагача банд киритилаётган бўлса, агросаноат мажмуида бу кўрсаткич 8тага тенг. Яъни, жамоа шартномаларига Меҳнат Кодексида бевосита кўрсатма берилган 30дан ортиқ меъёрий ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам киритилмаяпти. Масалан, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг албатта розилигини олиш талаби жами жамоа шартномаларининг атиги 38 фоизига киритилган холос.

Энг катта муаммолардан бири жамоа шартномалари талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ. Корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий қийинчиликлари жамоа шартномаларида режалаштирилган барча тадбирларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаяпти. Агар 2000 йилда жамоа шартномалари тадбирлари ўрта ҳисобда 91,8 фоизга бажарилган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 90 фоизгача тушиб қолди. Айниқса, хусусий ва қўшма корхоналарда жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилиши муаммолигича қолмоқда.

Мазкур тавсияларда 2005 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Жамоа шартномаси томонлари.

1.2.Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3.Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси.

1.4.Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5.Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6.Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7.Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1.Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши

2.2.Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши

2.3.Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар

2.4.Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун унинг хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун хар ойда меҳнатга хақ тўлаш фондининг _____% миқдорида пул ўтказиб бориш;

д) барча ходимлар жамоа шартномасининг мазмуни билан таништирилиши учун тегишли чораларни кўриш.

2.5.Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга хақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволи юзасидан жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи ҳолатлар олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

## III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1.Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми

3.2.Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари

3.3.Хомашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш

3.4.Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари

3.5.Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари

3.6.Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари

## IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1.Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш

4.2.Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши

4.3.Акцияларни чиқариш ва тақсимлаш тартиби, меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш

4.4.Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби

4.5.Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари

## V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1.Меҳнатга хақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

(қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш)

5.2.Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси

5.3.Иш ҳақини тўлаш муддатлари.

5.3.1. Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик.

5.3.2. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш, ёки ходим фойдасига пеня ҳисоблаб чиқариш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар

5.3.3. Иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 2005 ЙИЛ УЧУН

**9**

5.3.4. Иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.3.5. Корхона балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.6. Тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш учун имтиёзли меҳнат меъёрлари ўрнатилган шахслар (I ва II гуруҳ ногиронлари, 18 ёшга тўлмаган ходимлар, қисқартирилган иш вақти режимида ноқулай меҳнат шароитида банд қилинган ходимлар ва бошқалар) рўйхати

5.7.Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

-ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

-кечки сменадаги, тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

-ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

-бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

-кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

-ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

-қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

-иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

-ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

-иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.8.Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатла-

**10**

рини қоплаш ва ҳоказо)

(Агар жамоа шартномасида корхона „молиявий аҳволи" ёки „ишлаб чиқариш кўрсаткичлари" ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1.Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш

6.2.Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5.Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш

6.6.Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш

6.7.Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш учун меҳнат органлари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида тенг шароитда рақобат қила

**11**

олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари (агар улар Меҳнат Кодексининг 103 моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

6.8. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1.Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

-нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

-уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228[1] -моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

**12**

. 7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.7. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.10. Йиллик таътиллар учун хақ тўлаш муддатлари

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

-болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

-икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.12. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

## VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар алоҳида чоп этилади)**

## IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1.Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, Ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2.Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3.Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4.Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

## X.ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам

**13**

иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир).

10.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

10.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.3. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.4. 2005 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги шахсий ҳисобварақларига маблағ ўтказиб бориш тартиби жорий этилиши муносабати билан ҳамда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига биноан пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варақларига қўшимча маблағ ўтказишни назарда тутиш, бунинг учун қўшимча маблағнинг миқдори ва ўтказиш муддатларини жамоа шартномасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

10.5. 2005 йилни Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

10.5.1. Меҳнат жамоасига алоқадор ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, собиқ байналмилалчи жангчиларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинганларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

10.5.2. Ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини корхона ҳисобидан узайтириш;

10.5.3. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

10.5.4. Кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш;

10.5.5. Мазкур корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўланадиган нафақаларига қўшимча тарзда тўловлар белгилаб қўйиш

## XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1.Корхона, ташкилот ва муассасаларда маъ-

**14**

навият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, улар мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2.Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5.Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6.Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7.Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8.Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9.Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10.Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11.Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12.Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13.Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15.Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида

**15**

«Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари, янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17.Тасарруфдаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

## XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

## XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1.Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Касаба уюшма қўмитасига сайланиб, асосий ишидан озод қилинмаган ходимларнинг касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш

## Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув

2.Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом

3.Ходимлар тоифалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

4.Корхонада қабул қилинган тарификация

5.Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом

6.Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом

**16**

7.Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

8.Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

9.Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом

10.Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом

11.Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12.Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13.Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари

15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

16.Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати

17.Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

18.Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом

19.Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

20.Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

21. Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади. Жамоа шартномасининг мазмуни билан барча ходимлар таништирилиши шарт.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғлиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**Ўзбекистон КУФК**
**меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими**

*Ифтихор*

**Мамлакатимизда хотин-қизлар футболини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Андижоннинг «Андижанка» жамоаси бир неча йил мобайнида ғолибликни қўлда сақлаб келганлигини барчамиз яхши биламиз.**

# «СЕВИНЧ» – ҚИЗЛАР ЖАМОАСИ

## мамлакат чемпиони

Бултур вилоят ҳокимининг қарорига асосан Қашқадарёда «Севинч» (аввалги «Толиба») деб номланган футбол жамоаси ташкил этилган эди. Бош ҳомий «Шўртангазкимё» мажмуаси ёш футболчилар учун ҳамма қулайликларни яратиб берди. Жамоа керакли жиҳозлар билан тўла таъминланди. Тайёргарлик машқлари Қарши тиббиёт коллежининг ўйингоҳида ўтказилди. Мини футбол соҳасида катта тажриба орттирган В. Хан бош тренерликка тайинланди.

2003 йилда Ўзбекистон биринчилигида илк бор қатнашишига қарамай футболчи қизлар бронза медалини қўлга киритишди. Футболчиларнинг ярмидан кўпи мамлакат миллий терма жамоаси таркибига қабул қилинди. Эндиги вазифа мусобақаларда ғолибликни эгаллаб, чемпионликни қўлга киритишдан иборат эди.

— Қизларимизнинг мавсумга пухта тайёргарлик кўрганликлари, уларнинг тиришқоқлиги юксак муваффақиятни таъминлади - дейди «Шўртангазкимё» мажмуаси раҳбари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Алишер Султонов. - Корхонамиз раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси мусобақаларнинг боришини мунтазам кузатиб, жамоа аъзолари учун ҳамма қулайликларни яратиб берди. Улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди.

Қашқадарёликлар чемпионат баҳсларининг дастлабки турида рақибларини йирик ҳисобда мағлуб қилишди. Олти учрашувда рақиб дарвозаси 25 маротаба нишонга олинди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда «Андижанка»га 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Кейинги турда ҳам бу мағлубият такрорланди.

— Мағлубият аламини тортганимиздан сўнг, машғулотларни янада кучайтирдик, - дейди бош мураббий биз билан суҳбатда.— Мақсад навбатдаги турда ғалаба қозонишдан иборат эди.

Футбол клуби Қарши шаҳрининг «Пахтазор» митти туманида жойлашган. Жамоа таркиби маҳоратли ўйинчилар ҳисобига мустаҳкамланди. Ниҳоят ҳал қилувчи тўртинчи тур бошланди. Футболчиларни қўллаб—қувватлаш мақсадида клуб президенти Алишер Султонов бошчилигида юзга яқин мухлислар Тошкентга келишди.

Рақиб - «Андижанка» футболчилари ҳам бутун куч маҳоратларини ишга солдилар. Шунга қарамасдан, моҳир футболчи қизлар София Каспулатова ва Гулнора Аъзамовалар киритган иккита тўп ғалабани таъминлади. «Севинч» Ўзбекистон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.

Ғолибликни қўлга киритишда тажрибали футболчилар Олия Аҳмедова, Ольга Маҳмудова, Маргарита Гримитцких, Камола Усмонова, Элмира Гулова, Садоқат Рўзиева, Шоҳиста Чўриеваларнинг хизмати катта.

Клуб менежери А. Казаков, бош мураббий В. Ханнинг ташкилотчилиги туфайли жамоада юксак ишчанлик вазияти вужудга келган. Футболчининг соғлиги мунтазам назорат қилиб турилади. Машғулотлар аниқ режа асосида вақтида ўтказилади.

- Чемпионликни қўлдан бермаймиз, - дейишади жамоа қизлари. - Бунинг учун спортдаги маҳоратимизни ошириб бораверамиз.

**И.ИСМАТУЛЛАЕВ**

# «АБАДИЙ ҲАЁТ» ЧАШМАСИНИ ҚИДИРИБ

*Турфа олам*

Абадий яшаш кишиликнинг қадимдан орзу қилиб келган нияти эди. Қадимги «Гилгамиш» номли илк халқ достонининг қаҳрамони кишини абадий барҳаёт қилувчи гул қидириб узоқ сафарга чиқиши нақл этилади. Ҳиндларнинг машҳур «Махабхарата» достонида киши умрини 10.000 йилга узайтирадиган қандайдир дарахт тилга олинади.

Кейинчалик бу тасаввур ҳақиқатга – суви ва меваси одамни қайта ёшартиб, умрини узайтирувчи оддий ўсимликка айланди. «Ҳаёт суви» деган иборанинг келиб чиқиш тарихи ҳам шундай бўлса керак. Америка ҳиндулари буни қандайдир чашма суви, қадимий яҳудийлар эса дарё суви деб тасаввур этишган.

Улуғ олим И.Мечников ҳаётни узайтириш масаласига бағишланган «Умидбахш лавҳалар» асарида эрадан бурунги даврда ҳукм сурган Хитой императори Цинь-Шининг ғалати ишини эслайди. У уч минг нафар ёш қиз ва ўсмир бола, жуда кўп хизматчилардан иборат экспедиция туздириб, уларни денгиз сафарига жўнатади. Абадий яшашнинг ўзига хос йўлини ахтариш мақсадида кўрилган бу тадбир узоқ вақт давом этади. Шу тариқа мангу яшаш умидида, йиллар ўтганини билмай қолган императорнинг ўзи ҳам дунёдан ўтиб кетади.

«Абадий ҳаёт» чашмасини қидириб, яна кўплаб сафарлар уюштирилди. Аммо бу орзу-ният сароблигича қолиб кетди.

*Газетхон мулоҳазаси*

# МИЛЛИЙ ЧОЙХОНАЛАРИМИЗНИ ҚЎМСАБ

Машҳур «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг чойхона ҳақидаги қўшиғини эшитганмисиз? Бу ажойиб қўшиқни севиб тингламаган киши бормикан, ўзи, дейсизми? Балли. Дарҳақиқат, бу қўшиқ ҳам кекса авлод вакиллари, ҳам ёшларимиз қалбини бирдек забт этган десак адашмаймиз. Бинобарин, уни ҳамма севиб тинглайди. Лекин қўшиқда таърифланган ўша ўзбекона чойхоналаримиз бугунги кунда йўқолиб кетмаяптимикан?

Маълумки, ота-боболаримиз ишдан сўнг ёки дам олиш кунлари ёру биродарлари, кўнглига яқин кишилари билан биргаликда чойхоналарда ҳордиқ чиқаришган. Чой баҳона ҳазил-мутойиба, аския қилишган. Гурунглар қизиб, мамлакат ва дунёда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида сўз борган. Олиму уламолар, кўпни кўрган нуроний отахонларнинг дилтортар суҳбатлари, насиҳатлари тингланган. Янаям қолаверса, хушовоз ҳофизларнинг ажойиб куй-қўшиқлари бу ўтиришларга ўзгача файз-таровват бағишлаган. Бир сўз билан айтганда, чойхоналардаги бундай ўтиришлар ўзига хос маданий-маърифий тадбир воситасини бажарган.

Хўш, ҳозирги кунда-чи? Афсуски, бугунги «чойхоналар» тўғрисида бундай илиқ фикрларни айта олмаймиз. Назаримизда аввалги шукуҳли чойхоналаримиз ресторан, кафе, арт-кафе, радель, клуб, дискотека кабиларга алмашиб кетгандек. Масалан, пойтахтимиздаги аксарият чойхоналардан асосан ош еб, қорин тўйғазиш маскани сифатида фойдаланилмоқда. Ахир, яқин-яқингача ҳар бир чойхонанинг даврага жон киритадиган ўз ҳофизи, аскиячиси бўлган-ку!

Демоқчиманки, чойхоналаримиз нафақат жисмоний ҳордиқ жойи, миллийлигимизга хос маданият маскани ҳамдир. Шундай экан, ўзбекона чойхоналаримизни аслича сақлай билишимиз даркор.

**Искандар ҒУЛОМОВ,**
**ЎзМУ талабаси**

*Бу-қизиқ!*

### ЭГИЗАКЛАРМИ ЁКИ...

Руминияда бир аёл декабр ойида бир бола кўриб, январ ойининг охирида иккинчисини кутмоқда.

37 ёшли Марицина Теску туғилажак чақалоқлар эгизак эканлигини биларди. Лекин чақалоқларнинг туғилиш жараёни бунчалик катта вақт оралиғида юз беришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Биринчи ўғил 11 декабрда, ҳомиладорликнинг 7-ойида дунёга келди. Иккинчи бола эса ҳалиҳануз она қорнида, чунки у январнинг охирида туғилиши керак-да.

Шифокорлар бу ғаройиботни шундай изоҳлашмоқда: она организмида икки бачадон бўлиб, эгизакларнинг ҳар бири бўлакча ривожланган. Ажаб энди, бу чақалоқларни эгизак деб бўлармикан? Ахир улар ҳар хил йилда туғилган-ку.



### СМЕТАНАЛИ ПЛЭЧИНДЕ

Ўтган йили Молдавия пойтахтининг Ботакина микрорайонида ажойибу-ғаройиб воқеа содир бўлди. ЗАГС хонага никоҳдан ўтгани ғайритабиий жуфтлик кириб келди.

Плэчиндэ фамилияли куёв (маъноси-творог, олма, картошка ва шунга ўхшаш мева-сабзавотлар солинган мазали пишириқ) хотинликка бундан-да ғаройиб Смынтынэ фамилияли келинни хотинликка олаётганди. «Смынтынэ»нинг маъноси ўзимизнинг оддий сметана маъносини беради. Энг қизиғи шундаки, молдован таомларидан бири бўлмиш «плэчиндэ» ни устига сметана қуйиб дастурхонга тортишади. Охир оқибат ёш келинчак ўзига қандай фамилияни танлаганини ЗАГС ходимлари сир тутишмоқда.

### ЧАҚАЛОҚ ҚИЁФАСИДАГИ БАЛИҚ

Бундай ажабтовур карп нусхасини Жанубий Кореядаги хусусий балиқчилик хўжалигида бир неча хил наслни чатиштириш йўли билан «кашф» этишга муваффақ бўлинди. Хўжалик хўжайинларининг таъкидлашларича, бундай ажойиб нусханинг ёши 19 да. Сўнгги икки йил давомида бу балиқнинг боши борган сари одамзотнинг белгиларини эслатмоқда.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА**
**тайёрлади**

*Бу ажиб дунё*

**Сутдек ойдин кеча. Эндигина қорлар эриб баҳор нафаси уфуриб қолган кунларнинг бирида сомонхонада ит болаларининг ғингшигани эшитилиб қолди. Фермер хўжалиги чўпони Эшмат амаки ошиқиб сомонхона томон йўналди. Олапар болалари бор-йўғи иккита эди. Уларнинг кўзлари чақнаб, ёниб турар, ранглари ҳам ғалати—кўкиш-қорамтир эди. Қизиқ, ахир туғилган ит болалари ҳафта-ўн кунсиз кўзларини очиша олмай ғужанак бўлиб ётганлигини кўп маротаба гувоҳи бўлган эдида. Шу топда беихтиёр ўтган йилнинг илиқ куз кунлари Эшмат амакининг ёдига тушди.**

# СИРТЛОН

Ғалла ўрим-йиғими тугаб эндигина ангордан қайтишган чўпон-чўлиқлар тоғлар оралиғидаги қўтонларга ўрнашиб олишган кезлари эди. Шом пайти болажон олапар бир неча бор ғингшиб, бирдан овози тинди. Кейин у шу оқшом кўринмасдан бир ҳафтача йўқ бўлиб кетди.

Бир куни тонг саҳарда қўтон атрофида яна унинг ҳургани эшитилиб қолди. Эшмат амаки хурсанд бўлганидан деворга осиғлиқ хуржундаги қотган нонларни олиб ташқарига чиққан заҳоти тепаликда чўнқайиб ўтирган кўк ёлдор бўрига кўзи тушди. Унда аввалига қўрқув пайдо бўлиб, саросимага тушиб қолди. Кейин эса йиртқичнинг аста- секин ўрмалаб қўтондан узоқлашганини ҳозиргидек яхши эслайди.

Орадан бир неча ойлар ўтиб олапар болалари анча бўйига тортиб кучга тўла бошлади. Орқа оёқларидаги қўшимча олтинчи тирноқ борлиги билан бошқа итлардан фарқ қиларди. Уларнинг иккаласи ҳам сиртлон эди. Уядош сиртлонлар қўтон атрофида юрганларида бошқа чўпон итлари улар яқинига йўлай олмасди. Лекин бир оқшомда сиртлонларнинг бирини номаълум жонзот бўғиб ўлдириб, ҳамманинг кўнглини ғашлаб кетди. Кўпни кўрган чорвадорлар бу бўриларнинг иши эканлигини тахмин қилишди. Демак, сиртлон ит туғилганида ўз вақтида йўқ қилинмаса кейинчалик ўзларига ёв бўлишини бўрилар олдиндан билишар экан.

Бу нохуш кўнгилсизликдан сўнг Эшмат амаки ҳушёр тортди. Негаки, йиртқичларнинг қўтондаги ёлғиз қолган сиртлонни ҳам йўқ қилиш пайида эканликлари тайин. Шунинг учун чўпонлар сиртлонга кўз-қулоқ бўлишиб, унинг парвариши ва тезроқ улғайишига эътибор қаратишди.

Орадан бир йил вақт ўтиб сиртлон қўйлар подасига тамоман ўрганиб кетди. У ҳозир бўлган қўтон атрофи ва яйловлардаги қўйларга ҳеч бир йиртқич йўлаёлмасди. Олапар эса қариб куни битган эди.

Қор бўралаб ёғаётган қаҳратон қиш кунларининг бирида сурув ортидан юрган кекса чўпон совуқдан қалтираб, ҳолдан тойганича беҳуш ётиб қолди. Қўйлар иккига бўлинган, теварак атрофни эса қалин туман қоплаб келар эди. Садоқатли сиртлон чўпоннинг чакмонидан маҳкам тишлаганича уни қўтон томон судрай бошлади. Кейин эса у аянчли ғингшиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бундан хабар топган чўпонлар фурсатни бой бермай қордаги излар бўйлаб бўлиниб кетган қўйларни бир ерга тўплашиб, қўтонга эсон-омон ҳайдаб келишди.

Тўл олиш мавсумида бўлган бир воқеани ҳалигача чўпонлар фахр билан эслашади. Ўшанда март ойи охирлаб қолган бўлса ҳам қор бўралаб тинимсиз ёғар, шамол қорларни жар ва чуқурликларга уюб, чўпоннинг юз-кўзларини ачитарди. Қўйлар эса шамол эсган томонга тик кетиб борарди Шу орада совлиқларнинг бири қўзилаб чўпонни анча уринтириб қўйди. У бир нафас эс-ҳушини йиғиб керза этиги билан қорни сурди ва панароқ жой ҳозирлаб, қўзилаган совлиқни қолдиргач, ўзи сурув ортидан кетди. Сиртлон эса чўпон келгунга қадар болали совлиқ ёнидан бир қадам ҳам жилмади.

Орадан саккиз-ўн йил вақт ўтди. Бу орада сиртлон кучга тўлиб бақувватлашди. Чўпон-чўлиқлар эса унинг садоқатли, сурув ортидан қолмай юришидан беҳад мамнун. Сиртлоннинг увлаган овози етган узоқ чекка яйловларгача йиртқичларнинг яқинлашишга ҳаддилари сиғмасди.

**Абдулла САИДОВ**

*Футбол-тест*

### КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Футбол майкаларининг рақамланиши бугун оддий ҳолга айланган. Бу қачондан одатга айланган, аниқроғи, футбол либосларига рақам ёзишга неччанчи йилда рухсат этилган?**

A) 1952 йилда
B) 1894 йилда
C) 1953 йилда
D) 1939 йилда

**2. Англия матбуоти томонидан «абадий рекорд» дея таърифланган рекорд натижа, яъни энг кўп мағлубиятсиз ўйинлар қайси жамоага тааллуқли?**

A)«Манчестер Юнайтед»га
B)«Арсенал»га
C)«Ноттингем Форест»га
D)«Ньюкасл»га

**3. 1991-92 йилги Европа Чемпионлар Лигаси финал ўйинида қайси жамоалар учрашган ва унда қандай натижа қайд этилган?**

A)«Барселона» - «Црвена Звезда» - 1:0
B)«Црвена Звезда» - «Сампдория» - 0:1
C)«Барселона» - «Сампдория» - 1:0
D)Тўғри жавоб йўқ

**4. «Манчестер Юнайтед»да тўп сураётган португалиялик туғма истеъдод соҳиби, маҳоратли ёш футболчи ким?**

A) Уэйн Руни
B) Кака
C) Кристиану Роналду
D) Луи Саа

**5. Миллий терма жамоамиз энг кўп қайси юрт футболчилари билан куч синашган?**

A) Ироқ м.т.ж.
B) Тожикистон м.т.ж.
C) Озарбайжон м.т.ж.
D) Туркманистон м.т.ж.

**6. Жаҳон футбол юлдузлари ичида қайси футболчи энг кўп совринларни (жумладан, ЖЧнинг олтин, кумуш, бронза медалларини) қўлга киритган?**

A) Йохан Кройфф
B) Франц Беккенбауэр
C) Зинидин Зидан
D) Мишел Платини

*Байрам совғаси*

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети олимлари самарали изланишлари натижаси ўлароқ қатор ўқув адабиётлари юзага келмоқда. Француз тили сабоқларига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳам яратилмоқда.**

### ҚЎЛЛАНМА БОСМАДАН ЧИҚДИ

Ҳозирги замон француз тили стилистикаси деб номланган ўқув қўлланма босмадан чиқди. Француз тили билимдони доцент Лола Абдушукурова томонидан ёзилган бу янги нашр чет тиллар олий ўқув юртлари талабаларига яхши совға бўлди.

Ўқув адабиётини яратишда олима француз тилшунос тадқиқотчиларининг энг сўнгги илмий изланишларига таянган ҳолда иш кўрди. Француз шеъриятининг энг яхши намуналарининг стилистик таҳлилига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Виктор Гюго, Оноре де Бальзак каби буюк сўз усталари асарларини ўз ичига олган таҳлилий материаллар ўқувчи савиясига мос тарзда баён этилди.

Шунга ўхшаш бошқа амалий машқлар ҳам ҳозирги замон француз тили стилистикасининг қирраларини пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

**А.АЛИЕВ**

# САБРЛИ ОДАМ УЗОҚ ЯШАЙДИ

Нотинч юракка ширин уйқу келмайди. Тунда ухлагач, кундузи яна ухлаш умрни завол қилишдир.




Кўп ётиш хасталик келтиради. Кўп ейиш очликдан зиён.

Дунёда икки ишдан кўра хайрлироқ нарса йўқ: оч одамнинг қорнини тўйдириш, ғамли одамнинг юрагини қувонтириш.

Баданнинг қуввати овқат, руҳнинг қуввати илм.

Беш нарсадан аввал беш нарсанинг қадрини бил: касал бўлмасдан аввал соғлиқ қадрини, қари бўлишдан аввал ёшлик қадрини, қашшоқликдан аввал бойлик қадрини, қарамликдан аввал озодлик қадрини, ўлимдан аввал тириклик қадрини.

Тўрт нарса борки, уларнинг ози ҳам кўп. Булар касаллик, олов, душман ва қарз.

Ғамнинг давоси дўстлар дийдорини кўриш.

Сабрли одам узоқ яшайди.

# ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ

*Шифобахш неъматлар*

**Асал она табиат томонидан инсонга инъом қилинган бебаҳо неъматлардан биридир. Айниқса, унинг ажойиб шифобахшлик хусусиятларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Чунончи, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино асалдан беш юзга яқин дори-дармон тайёрлагани тўғрисида маълумотлар бор. Асалнинг минг дардга даво эканлиги муборак Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам зикр қилинган.**



Қарийб 30 йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаман. Дастлаб ишни озроқ, аниқроғи, етти оила асалари парваришлашдан бошлаган эдим. Ҳозирги кунда эса қарамоғимдаги ари оилаларининг сони икки юзга яқинлашиб қолди. Албатта, бунинг ўзига хос заҳматлари бор. Бироқ, даромад ҳам меҳнатга яраша бўлаяпти. Йилига беш-олти тонна тоза асал оляпмиз. Бир неча бор шаҳар ва вилоят миқёсидаги «Ташаббус» кўрик-танловининг ғолиби бўлдим. Демоқчиманки, табиатнинг энг кичик, шу билан бирга жуда ҳам меҳнаткаш жонивори саналган асаларини меҳр билан парваришлаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўтган йиллар давомида асаларичилик баҳона кўплаб хорижий давлатларда бўлдим. Қўшни республикалар, шунингдек, Жамбул, Балхаш, Кустанай, Челябинск, Магнитогорск ва Урал дарёси соҳилларигача бордим. Ўйлаб кўринг-а, ушбу йўлларда техника харажатлари, қишки мавсумда ариларга озуқа етказиб бериш... Бундай қийинчиликларни енгиб ўтишда асалнинг кучи дармон бўлди, десам муболаға бўлмайди. Дарвоқе, асалари биологияси ва физиологиясини яхши билган, бу жониворларга бор куч-ғайрати, билими ва меҳрини бағишлаган киши гўё бошида олтин сандиқ кўтариб юрганга ўхшайди. Бироқ, асалари эгаси фақат бойлик орттириш ниятда бўлса, албатта ютқизади.

Асалари – табиатнинг ажойиб мўъжизаси. Қаранг-а, у ишлаб чиққан маҳсулотнинг ҳеч бири чиқитга чиқмайди. Қолаверса, унинг биз, инсонлар учун яна бир фойдали жиҳати бор. Яъни, асалари ўзининг жудаям қисқа – 30 кунлик умри мобайнида минглаб ўсимлик гулларини чанглатиши натижасида жамият учун бемисл фойда келтиради. АҚШлик олимларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, асалариларнинг ўсимликларни чанглантиришга қўшган ҳиссаси ҳар йили 1 миллиард доллар миқдоридаги маблағнинг мамлакат ғазнасида тежалишига олиб келар экан.

Дарҳақиқат, асаларичилик кони фойда. Уни ривожлантириш, юзлаб, минглаб янги иш ўринлари очилиши учун имконият яратади. Бундан ташқари, бошқа турли касб эгалари ҳам бўш вақтларида асаларичилик билан шуғулланишлари мумкин. Бу билан улар ўзларига ҳам, ўзгаларга, ён-атрофидагиларга ҳам фақат фойда келтиришади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда айрим олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежлари, лозим бўлса, умумтаълим мактабларида асаларичилик тўгараклари фаолиятини йўлга қўйиш керак. Айниқса, тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олаётган талабалар – бўлажак шифокорлар асал ва асал маҳсулотларини даволаш жараёнида қўллаш, улардан дорилар тайёрлашни пухта билишлари зарур, деб ўйлайман. Албатта, бу мулоҳазалар бор-йўғи таклифлар, холос. Лекин, аминманки, мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш истагида бўлганлар жуда кўплаб топилади.

**Аъзамжон ЖЎРАБОЕВ,**
**Марғилон шаҳри**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Андижон вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Эркин Каримовга волидаи муҳтарамаси

**УМИДА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.